МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 18 октябрь,
№87 (1054)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, долзарб масалалар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг изчил ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда.

Суҳбат чоғида сўнгги 20 йилда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда умумий қиймати 184 миллион АҚШ долларидан зиёд 211 лойиҳа амалга оширилгани қайд этилди. Жорий йилда Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг кўламли демократик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга доир ўттиздан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларига, яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш даражаси кейинги 10 йил давомида йилига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганига юксак баҳо берди.

Ҳелен Кларк Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Пан Ги Мун номидан шу йил октябрь ойининг охирида Урганч шаҳрида бўлиб ўтадиган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференцияни қўллаб-қувватлашини билдирди. Ушбу халқаро анжуман Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»ни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

■ ЎзА

САЙЛОВ — 2014

## Сайлов комиссиялари раислари учун семинар

**2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари учун семинар бўлиб ўтди.**

Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходимлари, миллий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий риоя этиш тўғрисида хабардорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилиги, унда мустаҳкамланган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига, шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Семинар иштирокчиларига ўтган даврда мазкур дастурга биноан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Бўлажак сайлов миллий сайлов тизими ва жамиятимизни изчиллик билан либераллаштириш ва демократлаштириш давомида яратилган янги шароитда ўтказилиши алоҳида қайд этилди. Бу жараён Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига депутатлар сайлови бўйича сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик принциплар, амалдаги қонунчилик норма ва қоидаларига асосан адолатли, очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлашдан иборат экани таъкидланди. Комиссиялар ўз фаолиятида сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг миллий қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши, барча даражадаги сайлов комиссияларининг мустақиллигини ва ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга оширишини таъминлаш каби муҳим масалаларга ҳамиша эътибор қаратиши лозим.

> [2]

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

## Олмазорнинг озода ва ораста гузарлари




*Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.*

**Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Гузарбоши» маҳалласига борсангиз, катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳудуд инфратузилмаси тубдан янгиланаётгани йиғин аҳлини бунёдкорлик ишларига чорламоқда.**

■ **Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

Бир-бирини такрорламайдиган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, замонавий тураржойлар, маҳалла гузарининг ўзига хос кўриниши истиқлол берган имкониятлардан оқилона фойдаланилаётганининг амалдаги ифодасидир. Муҳими, хайрли ишларда маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатмоқда.

— Хонадон эгалари доимо бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради, — дейди йиғин раиси Турсунхўжа Эргашев. — Маҳалламиздаги тадбирлар ўзаро ҳамжиҳатликда ташкил этилади. Ҳудудимизда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида равон ва замонавий йўл ишга тушди. Яхши ният билан уни «Нурафшон» деб номладик.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада кейинги йилларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида сезиларли натижалар қўлга киритилди. Йиғиннинг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси таркибида эл корига камарбаста, фидойи инсонларнинг меҳнат қилаётгани ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

— Ҳудуднинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тизимли амалга оширилмоқда, — дейди комиссия раиси Ғайрат Орипов. — Айниқса, «Энг обод хонадон», «Энг намунали кўча» кўрик-танловларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани бу борадаги ишларни янада жонлантирди.

Комиссия ташаббуси билан йиғин аъзоларининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида экологик таълим-тарбияни тизимли йўлга қўйиш, фуқароларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишини таъминлаш мақсадида «Атроф-муҳитни биргаликда асрабавайлайлик», «Экологик маданиятни шакллантиришда маҳалланинг роли», «Табиат ва биз» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Маҳалла билан мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани таълим муассасаларининг санитария ҳолатини озода сақлашда қўл келмоқда. Йиғин ҳамда 11-, 111-умумтаълим мактаблари томонидан биргаликда бажарилаётган ишлар эътиборга лойиқ.

Комиссия аъзоларининг кўчаларга бириктирилгани ҳудуд тозалигини сақлашда катта самара бермоқда. Ободонлаштиришда фаоллик кўрсатаётганлар рағбатлантирилаётир.

Хуллас, қаерда озодалик, тозалик бўлса, ўша жойда файз-барака барқарордир. Буни чуқур ҳис қилган олмазорликлар атроф-муҳитни, экологияни асраб-авайлашни зиммасидаги масъулиятли вазифа деб билади.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

## «Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин...»

**Одатда, энг муқаддас, энг эзгу тушунчаларга «она» сўзини қўшиб айтамиз. Она-Ватан, она табиат, она тили, она замин, она тупроқ...**



■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Беминнат ва холислик, ғамхўр ва хокисорлик, меҳрибон ва содиқликда уларга тенг келадиган йўқ. Аслида миллатнинг дунёда мавжудлиги, мавқеи ана шу омиллар билан белгиланади. Улардан бири, шубҳасиз давлатимиз тимсолларидан бўлган она тилимиздир.

Истиқлол йилларида она тилимизни янада сайқаллаштириш, бойитиш ва дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузини оширишга қаратилган қатор маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, изланиш ва илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ғурур билан айтиш жоизки, бугун жаҳон халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, давлат мадҳияси қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, она тилимизга нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бериб келмоқда.

Тилга эътибор — элга эътибор. Бу хайрли ҳаракат бизда оқилона ва одилона сиёсат тарзида амалга оширилди. 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилингач, ўзбек тилини ўрганиш курсларини жорий этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, иш юритиш, идора қоғозларини тайёрлаш каби тадбирлар қизғин бошлаб юборилди, она тилимизнинг қадди тикланди. Кейинчалик, 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни бу борадаги ишларга куч ва янгича руҳ берди. Ушбу муҳим ҳужжат ўзбек халқи миллий онгининг ривожланиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши, маданий мероснинг тикланишида муҳим аҳамият касб этганини бугун маънавий юксалиш пиллапояларидан қанчалар тез одимлаётганимизда ҳам кузатиш мумкин.

> [4]

МАСЛАҲАТЧИ МИНБАРИ

## Дахлдорлик туйғуси барчани бирлаштирган

**Қарийб ўн йилдан буён маслаҳатчи лавозимида ишлайман. Ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар ривожига ўз ваколатим, билим ва ҳаётий тажрибаларимга таяниб баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келяпман.**

■ **Тожибархон ЙЎЛДОШЕВА,**
**Хўжаобод туманидаги Шаҳрихонсой шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

Бу саъй-ҳаракатларимнинг тотли меваларини татишга ҳам улгураётирман. Жумладан, жорий йилнинг 6 октябрь куни Президентимизнинг Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги дала шийпонида бўлиб, бир гуруҳ фаоллар қатори мен билан ҳам суҳбатлашганлари қалбимни чексиз ғурур-ифтихорга тўлдирди.

Бундан аввал узоқ йиллар Хўжаобод туманидаги 19-умумтаълим мактабида ёш авлодга инглиз тилидан сабоқ бердим. Шунинг учун аниқ айта оламанки, педагог билан маслаҳатчи орасида тафовут кам. Муаллим ўқувчиларга, маслаҳатчи эса каттаю кичикка баб-баробар тарбиячи, уларни тўғри йўлга бошловчи.

Айнан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият юритаётганим — менинг омадим. Вазифам туфайли бир неча бор муҳтарам Президентимиз билан мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлдим. Жорий йилги ташрифларида ҳам Юртбошимизнинг пурмаъно фикр-мулоҳазалари, донишмандона тавсияларини жон-дилим билан тинглаб, шунга амин бўлдимки, мен қатори барча Ўзбекистон аёллари — дунёдаги энг бахтли оналардир.

Менинг бахтим фақат фаровон, эмин-эркин яшаб, қишлоғимдаги ободончиликлар, бунёдкорликлардан бошим осмонга етаётганида эмас, балки ҳар тонг, ҳар нафас давлатимиз раҳбарининг аёлларга алоҳида ғамхўрлиги, меҳр-муҳаббати ва эътиборини кўриб, дилдан ҳис этаётганимда.

> [2]

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

## Сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик талаблар ва халқаро мезонларга мос, эркин сайлаш ва сайланишини кафолатлайдиган сайлов тизими яратилди.**

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал модернизация қилиш жараёни билан боғлиқ равишда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг янги вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Ўтган йиллар давомида сайловга оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар янги сиёсий жараён ва янада такомиллашган меъёрий-ҳуқуқий талаблар асосида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича 8 та сайлов округи тузилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайлов бўйича эса 65 та, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича 413 та округ ташкил этилди. Бу тадбирлар сиёсий жараённинг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— Шаҳримиз аҳолиси сайловларда фаол иштирок этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нукус шаҳар бўлинмаси раиси Давлатёр Нуржонов. — Бу йилги сиёсий жараён аввалгиларидан фарқ қилади. Чунки ўтган давр мобайнида сайловчиларнинг ишончлари оқланди, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарди. Энди сайловда иштирок этиш орқали улар жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётганини англаб етди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги қонун билан кафолатланган. Бу эса мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаб, халқнинг фаровон турмушини, ёрқин келажакка ишончини янада мустаҳкамлайди.

Фуқаролар йиғинлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкиллаштиришда, фуқароларни қабул қилишда яқиндан кўмаклашмоқда.



Бу, ўз навбатида, ҳудудда учрайдиган муаммоларни бартараф этишда муҳим омилдир. Шу билан бирга аҳолининг фуқаролар йиғинига, давлат бошқаруви органларига ишончини оширмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда жорий этилган сайлов қонунчилигига биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга.

— Маҳалламизда сайловолди жараёнига киришилди, — дейди Нукус шаҳридаги «Ботаника боғи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қойшибай Султанов. — Бу йилги сайловда қонунга мувофиқ йиғин номидан маҳаллий Кенгашларга номзодлар кўрсатмоқчимиз. Бунда, айниқса, йиғин ишларида фаол, аҳоли ўртасида ҳурмат қозонган, ҳаётий тажрибага эга, билимли, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган фуқароларнинг номзодларини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки уларнинг фаолияти маҳалламизнинг янада равнақ топишида, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантиришда асқотмоқда. Шунингдек, сайлов участкаси комиссия аъзолигига маҳалламизда аввалги сайловларда фаол қатнашган, тажрибали, билимли вакилларни сайлаганмиз. Улар ишончимизни оқлайди, албатта.

Янгича шароитда ўтадиган сайловларга аҳолининг қизиқиши катта. Сайловларнинг юқори савияда ўтиши, сайловчиларнинг фаол иштироки мамлакатимиз равнақида улкан ижтимоий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

МАСЛАҲАТЧИ МИНБАРИ

# Дахлдорлик туйғуси барчани бирлаштирган



< [1]

Ўша кунги мулоқот асносида фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамонжон Собиров қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самараси ҳақида гап очганида, муҳтарам Президентимиз унга қарата: «Мана шу ютуқларда еттита фарзандни улғайтирган турмуш ўртоғингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз ўринли бўлар эди» дедилар. Она сифатида, аёл сифатида кўзларимга ёш қалқди. Маҳалламиздаги қўни-қўшни аёллар ҳам худди шундай ҳолатни ҳис этишганини айтиб, эртанги кунимиз ҳақида қайғурадиган, жамиятда ўз ўрнимизни топиб олишимиз учун барча имкониятларни яратиб бераётган ғамхўр Юртбошимиз билан фахрланишларини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, Шаҳрихонсой кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Бир замонлар ҳатто оддий дўкон ҳам қурилмаган маҳалламизда бугун йирик мажмуа — Хўжаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатяпти. Бу эса қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ўсишига замин яратди. Яна бир эътиборли жиҳати, тадбиркорлар сафи ортиб боряпти. Йирик ишлаб чиқариш цехи, ғишт заводи, Асака автомобиль заводи учун эҳтиёт қисмлари етказиб берадиган корхонага эга бўлган маҳалладошларимга ҳавас қилса арзийди.

Ҳудудимиздаги 1,5 минг нафардан зиёд хотин-қизнинг тафаккуридаги, яшаш тарзидаги ўзгаришлар турмушида акс этиб турибди. Ҳеч тасаввур қилганмисиз, уй бекаларининг жамият ҳаётида ўз ўрни, ўз овози ва ўз бизнесига эга бўлганини?! Ҳозир худди шундай давр. Уларни ҳалол меҳнат, оиласи, юрти истиқболи учун интилишдек эзгу мақсадлар бирлаштирган. Бир мисол. Ферузахон Абдураҳмонова ўн сотих томорқасида кўчат етиштириб, қишлоқнинг бадавлат кишиларидан бирига айланди. Маҳалладош опа-сингилларимизнинг бири қўлигул чевар, бошқаси моҳир қандолатчи, яна бири мазали таомлар тайёрлашда барчани ортда қолдиради. Улар ўз имкониятларидан фойдаланиб, шахсий бизнесини ташкил этишган.

Ёғин-сочинли кунларга қарамай пахта йиғим-теримини якунлаш учун қизғин ҳаракат давом этаётган бир паллада уйда ўтирган хотин-қизларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатаётир. Улар деҳқон-фермерларнинг йил-ўн икки ой пешона тери билан етиштирган ҳосилини тезроқ териб олиш учун уюшқоқлик билан ҳашарга чиқишмоқда.

Таъбир жоиз бўлса, маслаҳатчи маҳалланинг маърифат чироғи бўлиши керак. У қишлоқдаги маънавий иқлим барометри. Шунинг учун ҳам бизнинг лавозимимизда фаолият юритаётган аёллар ҳамиша олдинга интилиши, янгиликлардан хабардор бўлиши, ўз устида ишлаши, энг муҳими, одамлар қалбига йўл топа билиши жоиз. Ана шунда зиммамиздаги юксак масъулият ва ишончни тўла-тўкис адо этишга эришамиз.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

# Ўзаро ишонч, бирдамлик бор жойда ютуқлар бардавом

**Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббиёт соҳаси ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки оилада тиббий маданиятни шакллантириш учун изчил тарғибот зарур. Бунда маҳалла фаоллари бизнинг энг яқин кўмакчимиз, таянчимиздир.**



**Насиба РАҲМОНОВА, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Ҳуррият қишлоқ врачлик пункти мудираси, «Шуҳрат» медали соҳибаси.**

Врачлик пунктимиз ҳудуддаги «Робот» ҳамда «Ҳуррият» маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда. Кунига 50 қатновга мўлжалланган тиббиёт маскани «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморларга аниқ ташхис қўйиш, даволаш, профилактика ишларини олиб бориш учун барча шароитлар мавжуд. Шунга жавобан 15 нафар тиббиёт ходимидан иборат жамоамиз муайян ютуқларга эришаётир.

Ҳудудимизда кейинги 14 йил мобайнида гўдаклар ўлими, 7 йил ичида эса 14 ёшгача бўлган болалар ўлими умуман қайд этилгани йўқ. Оналар саломатлигини асраш борасидаги кўрсаткичларимиздан кўнглимиз тўқ. Ҳар икки маҳалланинг фертил ёшидаги аёлларини доимий назоратга олганмиз. Йилда икки бор ташкиллаштириладиган чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра, даволаниши лозим топилган опа-сингилларимиз диспансер кузатувида бўлади. Айниқса, малакали шифокорлар, патронаж ҳамширалар, маҳалла фаолларининг ҳамжиҳат фаолияти ўз самарасини бермоқда.

Соғлом бола йилида баркамол авлод тарбиясига эътибор янада кучайди. Ҳудудимизда жойлашган 2 та умумтаълим мактаби ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида саломатлик бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам йўлга қўйганмиз. Аниқ режа асосида ҳар ҳафта давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларга пунктимиз шифокорларидан ташқари Янгиқўрғон туман марказий шифохонасидан малакали тиббиёт ходимлари таклиф этилаётир.

Қишлоқ врачлик пункти мудираси сифатида ҳар чоракда фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериб бораман. Бу эса амалга ошираётган ишларимизни яна бир бор таҳлил қилиб, ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни такрорламаслик, муаммоларни ҳал этиш имконини берди. Қолаверса, бу ҳамкорлик тиббиёт соҳасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан янада яқинлаштирмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида туғма ногиронликнинг олдини олиш, ҳомиладор оналар ва болалар ўртасида юқумли касалликларга йўл қўймаслик, узоқ муддат чет элларда ишлаб қайтганларни тиббий кўрикдан ўтказишдек долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишлардаги саъй-ҳаракатларга кенг жамоатчиликни жалб этишга эришдик.

Таъкидлаш жоизки, фаолиятимиз самарадорлигида маҳалла фаолларининг ҳиссаси беқиёс. Улар ёрдамида ҳар бир хонадон, оилани фаолиятимиз доирасига қамраб олганмиз. Ўзим бир неча йилдан буён «Ҳуррият» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Яраштириш комиссияси аъзосиман. Бу эса ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда қўл келаётир.

Юртимизда меҳнат қилган инсон доимо ардоқланган. Мен ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг фармонларига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Бу мукофот фаолиятимнинг 21 йиллик даври учун муносиб эътироф бўлиб, янги марралар сари руҳлантирмоқда. Кўзланган мақсадга эришишимда эса аҳил жамоага, «Робот» ҳамда «Ҳуррият» маҳаллалари фаолларига таянаман. Зеро, ўзаро ишонч, бирдамлик бор жойда ютуқлар бардавомдир.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: МАСЛАҲАТ ҲАМ, МАДАД ҲАМ МАҲАЛЛАДАН

# Кредитга кафолат — фаровон бўлар ҳаёт

**— Банкдан кредит олишим учун яшаш жойимдан маълумотнома керак экан, — дея маҳалла масъул котибига мурожаат қилди ёш йигит. — Совуткич, кир ювиш машинаси сотиб олмоқчимиз.**

**Бек НАЗАР «Mahalla»**

У масъул котиб ёзиб берган маълумотномани олиб, мамнун қиёфада чиқиб кетди.

— Бу йигит яқинда уйланган, рўзғорим тўкис бўлсин дейди-да, — деб гап қўшди котибнинг хонасида ўтирганлардан бири.

— Маҳалламизда кам таъминланган, муҳтож оиланинг ўзи йўқ, — деди унга жавобан Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалласи масъул котиби Худойқул Холмирзаев. — Бу йил банкдан 10 та оилага истеъмол кредити олишига кўмаклашдик. Ҳудудимизда оиласига, фарзандларига тўкис шароит яратиб беришга интилиб яшаётганлар бисёр. Бунда уларга банк кредитлари қўл келаётир.

Дарҳақиқат, «Зилол» Жиззах шаҳридаги йирик маҳаллалардан. Беш минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маскан йил сайин обод бўлиб бораётир. Айниқса, кейинги йилларда аҳоли тураржойларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги, кўркам ва замонавий ҳовлилар кўпайди. Ўтган йили шаҳар марказий кўчасини қайта қуриш муносабати билан кўчирилган ўнта оилага янги уй қуриш учун маҳалладаги бўш майдондан ер ажратилди.

— Албатта, биринчи навбатда уларга имтиёзли кредитлар таклиф этдик, — дейди йиғин раиси Абдували Норматов. — Бундан ташқари, истеъмол кредити, оилавий тадбиркорлик учун банк хизматларидан фойдаланишларига кўмаклашяпмиз. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 20 нафар маҳалладошимиз банк кредитлари олиб, оилавий бизнесини йўлга қўйди. Йил охиригача бу рақам яна ортади.

Хусусан, Аслан Қодиров раислик қилаётган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси ёрдамида Матлуба Норқулова, Клара Исроилова сингари ёш уй бекалари истеъмол кредити олишган бўлса, иккита оилага фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқишлари учун таълим кредитларини расмийлаштиришда ушбу комиссиянинг маслаҳати ва тавсияси қўл келди. Тўртта оилага уй-рўзғор жиҳозлари хариди, биттасига эса чорвачиликни йўлга қўйиш учун банк кредитидан фойдаланишига ёрдамлашилди. Жамоат ишларида фаол қатнашаётган учта хонадон соҳибларига рўзғор буюмлари совға қилинди.

— Йиғин фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан банкдан ажратилган кредит эвазига қорамол харид қилдик, — дейди фуқаро Нортожи Нишонова. — Энди чорва парваришини йўлга қўймоқчимиз. Оилалар фаровонлиги учун барча имкониятларни яратиб бераётган давлатимиздан, ҳар бир хонадоннинг эҳтиёжини ҳисобга олиб кўмаклашаётган маҳалламиз мутасаддиларидан мамнунмиз.

Ҳудудда ишсизлик муаммоси йўқ. Аҳолини, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш фаоллар эътиборида. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган оила аъзоларини ишга жойлаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу йил ана шундай оилаларнинг 3 нафар фарзанди тикувчилик, икки нафари эса сартарошлик касбига бепул ўқитилди.

РАИС МАЛАКА ОШИРИБ ҚАЙТДИ

# Тажриба ва маҳорат амалиётда асқотади

**Ўтган йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида маҳалладошларим раисликка менинг номзодимни тавсия этганида, очиғи, бироз тараддудлангандим. Боиси халқ ишончини оқлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг устига маҳалла тизимига оид билимларим ҳам талаб даражасида эмасди.**

**Шихназар РАЖАБОВ, Хоразм вилояти Шовот тумани «Хитой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган машғулотлар мен учун мутлақо янги бўлган соҳани, тизимга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўзлаштиришда жуда қўл келди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида малака оширдик.

Машғулотларда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти бўлими мутахассислари, Урганч давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, тажрибали педагоглардан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларда йиғин фаоллари зиммасига юклатилган вазифаларни тушуниб олдим.

Ўқувларда ўрганган билимларимга таяниб, маҳалламиз қошида «Ота-оналар университети» фаолиятини йўлга қўйдик. Ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишни кўзда тутувчи ушбу жамоатчилик тузилмаси қисқа вақт мобайнида фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайиши учун ҳар томонлама самарали эканини амалда исботлади. Ҳудудимиздаги 23-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг давоматлари сезиларли даражада яхшиланди.

Бугун маҳалламиздаги нотинч оилалар билан ишлаш, фуқаролар йиғини ҳудудида соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда оила бошлиқларининг малакасини ошириш «Ота-оналар университети» аъзолари зиммасида. Шу боис университет аъзолигига маҳалладаги ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, психолог, педагог ҳамда ҳаётий тажрибага эга зиёлилар, намунали оилалар, ҳудуддаги масъул ташкилотларнинг малакали ходимларини қабул қилишда ҳам ўқув курсларида тинглаган маърузаларим асқотмоқда.

Шунингдек, дарсларда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган, шу жумладан, йиғинлар қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссияларнинг Намунавий низомлари асосида низомлар ишлаб чиқишни ўргандик.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Намунавий низомда ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб фуқаролар йиғини томонидан асосий йўналишлар бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкинлиги белгиланган. Шунга кўра, маҳалламиздаги 620 та хонадоннинг барчаси шахсий томорқага эгалигини инобатга олиб, йиғин қошида Томорқалардан унумли фойдаланиш масалалари бўйича комиссия туздик.

Ўқув курсларида бир ҳафта давомида ўрганган назарий билимларимизни амалиётда қўллаяпмиз. Ҳамкасблар билан ҳамкорликда ҳужжатлар билан ишлаш бўйича Урганч шаҳридаги «Тозабоғ» маҳалласи тажрибасини ўргандик.

Хуллас, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида касбий билим ва малакаларимизни ошириб, юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига муносиб ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

# Азалдан боғу бўстон деб аталган юрт

**Сурхондарё вилоятидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартиришда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг талаб ва таклифлари инобатга олинмоқда.**

**Нигина ШОЕВА «Mahalla»**



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида вилоятдаги қишлоқ ва маҳаллалар чегаралари аниқ белгилаш ишлари қизғин тус олган.

Қизириқ туманидаги 3 та қишлоқ ҳамда 4 та маҳалла фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари иштирокида фуқаролар йиғинларининг таклифларига биноан янги номлар билан аталадиган бўлди.

— Маҳаллаларга фуқароларнинг турмуш тарзини ифодалайдиган ном беришга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қизириқ тумани бўлинмаси раиси Гуласал Умбарова. — «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи зикр этилган қарори асосида тасдиқланган Низом фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Бандихон ҳамда Қизириқ туманлари бирлаштирилди ва Сариқ шаҳарчаси Қизириқ туманининг маъмурий маркази этиб белгиланди. Натижада тумандаги маҳаллалар сони 49 тага, қишлоқ фуқаролар йиғини эса 10 тага етди.

Низомга асосланган ҳолда маҳаллаларга ном беришда қонуннинг мазмун-моҳияти, маъносига аҳамият қаратилди. Жумладан, Сариқ шаҳарча фуқаролар йиғинидаги «Кун чиқиш» маҳалласи «Қишлоқобод», Янги йўл қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Янги йўл» маҳалласи «Янгикент» номи билан аталди. Ўзгача маъно-мазмун касб этадиган «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини «Буюк келажак» номини олган бўлса, «Шредер» маҳалласи эндиликда «Боғбонлар юрти» деб юритиляпти.

— Маҳаллани номлашдан олдин у ерда яшаётган аҳолининг касб-кори, меҳнат фаолиятига ҳам эътибор қаратдик, — дейди Г.Умбарова. — Гап шундаки, «Шредер» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқароларнинг аксарияти боғдорчилик билан шуғулланади, полиз маҳсулотлари етиштиради. Ном танлашда ҳудуд аҳлининг турмушидан келиб чиқдик. Туманимиздаги Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинини Заркамар, Охунбобоев маҳалласини «Зарабод» деб атадик.

Жой номларини ўзгартириш, ҳудудларни чегаралаш бўйича тузилган комиссиянинг маҳаллаларни янгидан номлашда унинг ўзига хос тарихий, ижтимоий, иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш тутаётгани йиғинлар аҳлига ҳар жиҳатдан мақбул бўлмоқда.

САЙЛОВ — 2014

# Сайлов комиссиялари раислари учун семинар

< [1]

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти», «Округ ва вилоят сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари», «Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва ишончли ёритиш бўйича вазифалари», «Сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро стандартлари», «Округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва молиявий тартибни назорат қилиш», «Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида замонавий демократик талаблар инобатга олинган ҳолда, сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчиларининг муҳим вазифалари белгиланганини ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, айни пайтда сайлов қонунчилиги қоидалари ва унга киритилган ўзгартишларни фуқароларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабардорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Баҳс-мунозаралар чоғида сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олди.

— Бўлажак сайлов жамиятимизни янада демократлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлади, — дейди 74-Денов округ сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Эшниёзов (Сурхондарё вилояти). — Сайловни юксак савияда ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Мазкур семинарда иштирок этиб, биз округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш, участка сайлов комиссиялари ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик принципларига риоя этиш бўйича барча талаблар билан танишдик. Шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш ҳамда бошқа кўплаб масалалар бўйича ўз малакамизни оширдик. Буларнинг барчаси бизга сайловга қонунчилик ва демократия принципларига тўла мувофиқ равишда тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир ишларни ташкил этишга ёрдам беради.

**Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.**

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

# Қонунларга ҳурмат руҳида

**Қонун устуворлигини таъминлаш, соғлом ва мустақил фикрлайдиган авлодни вояга етказиш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидандир. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.**

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Аҳиллик» маҳалла фуқаролар йиғини пойтахтимиздаги намунали маҳаллалардан. Малоҳат Маюсупова ўн йилдирки, мазкур йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида ишлаб келмоқда. У ўз ваколати доирасида йиғиннинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳамда давлат органлари ходимлари билан биргаликда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

— Аҳолига тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида жамоатчилик асосида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ташкил этганмиз, — дейди М.Маюсупова. — Унга туман прокуратураси, ички ишлар, ФҲДЁ ходимлари жалб этилган. Жорий йилда 15 марта давра суҳбати, семинарлар видеоконференциялар ўтказилди. Тадбирларда ёшлар иштирокига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу борадаги ишлар таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан айрим бандларини рангли, безакли плакат, шиор тарзида чоп эттириб, маҳалла идорасига, таълим масканларига илиб қўйганмиз.

Маҳалла фаоллари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бирга сиёсий фаоллигини оширишга, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликка ҳам эътибор қаратишмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бераётгани фуқароларнинг қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик туйғулари ортаётганида намоён бўлмоқда. Йиғин идорасига келаётган мурожаатлар сонининг кўпаяётгани ҳам маҳалла аҳлининг ўз ҳақларини яхши англаётганидан далолатдир.

Эътиборлиси, сўнгги икки йилда ҳудудда жиноятчилик ҳолатлари кузатилмади. Иккита нотинч оиладаги муҳит соғломлаштирилди. Профилактика назоратидаги бир нафар ўсмирнинг хулқи яхшиланиб, назоратдан чиқарилди.

Ана шундай ижобий натижаларни тумандаги «Баҳор» маҳалласида ҳам кузатиш мумкин. Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гулчеҳра Ғуломованинг таъкидлашича, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртларида фуқаролар билан ички ишлар идоралари ходимлари, адвокатлар иштирокида учрашувлар ташкил қилинмоқда.

«Қонун барчага баробар!», «Биз одам савдосига қаршимиз!», «Гиёҳвандлик — умр заволи», «Диний экстремизм — глобал муаммо» мавзулардаги тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида турли кўргазмали воситалардан фойдаланилаётир.

Маҳаллада ҳуқуқий билим ва маданиятни пухта эгаллаган ёшларни рағбатлантиришнинг аниқ усуллари ишлаб чиқилган. Гап шундаки, анъанавий «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция билимдонлари» танловларида ёшлар ўзларининг соҳа бўйича билимларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишяпти.

Айни вақтда фуқаролар йиғини фаоллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўришмоқда.




БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# Эзгулик — дилларни, қалбларни боғлаган ришта

**Маҳаллада тўй бўлди. Куёв ўзбек, келин эса рус миллатига мансуб. Ёшлар бир маҳаллада туғилиб, ўзаро қўшни хонадонларда вояга етишган. Тўйга россиялик меҳмонлар ҳам ташриф буюришди. Улар келин-куёвнинг зардўз либосларини, айниқса, каштали чимилдиқни кўриб ҳайратларини яширолмади, келинсалом маросимини қизиқиб томоша қилишди...**



**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Навоий шаҳрида яшаётган рус оиласи — Сергей ва Лариса Гарабеслар хонадонида улғайган бир эмас, уч қиз ўзбек оилаларига келин бўлиб тушди. Чунки бу хонадонда ўзбекона урф-одатлар ва миллий қадриятларга алоҳида ҳурмат билан қаралади. Улар фарзандларини ўзбек мактабларида ўқитишган.

— Мен ва турмуш ўртоғим Ўзбекистонни она-Ватанимиз, ўзбекларни жонжигарларимиз деймиз, — дейди Сергей ака. — Чунки шу халқ бизни вояга етказди, ўқитди, ишли қилди. Шу юртда оилали, уйли-жойли бўлдик. Иккаламиз ҳам Навоий шаҳридаги «Электрокимё» корхонасида ишлаймиз. Ўзбекларга хос меҳр-оқибат, самимият, мардлик ва ор-номусни жуда ҳурмат қиламан. Улар: «Қудачилик — минг йилчилик», дейдилар. Бунинг замирида катта ҳикмат: оила қураётган икки ёшнинг қўша қариши, бунинг учун қуда тарафнинг масъулияти, бир-бирини тушуниши, кези келганда кечириши, муросаю мадора қилиши мужассам. Мен ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, ўзбек хонадонлари билан қуда бўлганман.

С.Гарабес умргузаронлик қилаётган «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини чинакам байналмилал ҳудуд. Айни пайтда маҳаллада қозоқ, қирғиз, озарбайжон, тожик, рус, татар ва корейс миллати вакиллари ўзаро аҳил-иноқ яшайди. Маҳалла фаоллари қарийб 5 минг кишилик бу катта оиланинг тинч-осойишталиги, барқарор маънавий муҳити, ён-атрофнинг ободлигию фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, байрам тантаналари турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қиляпти.

Баъзи кўп қаватли уйларда бир миллат вакиллари қўни-қўшни яшаб, бир-бирини танимаслиги мумкин. Бу ерда эса бошқача, улар бир-бири билан туғишгандек, шодлигу қувончи ўртада. Чунки маҳаллада бирор тадбир ташкил этилса, ҳамма баравар иштирок этади. Байрам кунлари бир дастурхон атрофида жам бўлиш эса меҳр ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Яқинда маҳаллада «Гўзаллик яратувчи қизлар» танлови ўтказилди. Унда турли миллат қизлари рўзғор юмушларини бажаришда чаққонлигини намойиш этишди. Тадбирда иштирокчилар ўз миллий урф-одатларини ҳам саҳна кўринишида ижро қилишди. Бу миллий ва умуминсоний қадриятлар бардавомлигидан далолат.

Маҳалла ҳаёти билан танишар эканмиз, биз билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар бир қардош миллат вакили Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», дея белгилаб қўйилгани, жонажон диёримизда демократик тамойилларга амал қилиниши ва бу инсонларнинг муайян ҳуқуқлари кафолати эканини мамнунлик билан эътироф этди.

— Ўзим қозоқ қизиман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ширин Алдаберганова. — Фаолларимиз ҳам турли миллат вакиллари. Жумладан, 144-уйнинг бошлиғи татар миллатига мансуб Исмет Абитов. Шунингдек, рус аёли Евгения Гончарова, корейс Ким Югай, озарбайжон Гулбаҳор Гамидова ҳам маҳалланинг жонкуярлари.

Шуниси аҳамиятлики, «Мустақиллик» маҳалласида улғаяётган ўғил-қизлар бир неча тилларда сўзлаша олади. Масалан, Ширин опанинг фарзандлари уйда қозоқча сўзлашишса, мактабда рус тилида таҳсил олишган, қўшни болалардан эса ўзбек, татар, озарбайжон тилларини ўрганишган.

— Ҳар бир миллатнинг қонида ўзлиги, қадр-қиммат, фахр-ифтихор туйғуси бўлади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муборак Рўзиева. — Маҳалладошларимиз ана шу туйғулар билан бирга қардош миллат вакилларини ҳурмат қилиш, уларнинг қадрият ва удумларини эъзозлаш фазилатига ҳам эга эканидан хурсандман.

Маҳалла аҳлини яна бир улуғ мақсад бирлаштириб туради. Бу барчага бирдек меҳр берган юрт қадрига етиш, умумий уйимиз — Ўзбекистон истиқболи йўлида камарбаста бўлишдир.

ХИРМОНГА ҲИССА

# Самарали меҳнатга муносиб рағбат

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви фаолларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Фермер хўжаликлари меҳнаткашлар ёрдамида давлатга пахта топшириш йиллик шартномавий режасини ортиғи билан бажариб, кўзланган мақсадга эришмоқда.**

**Нигина ШОЕВА**
**«Mahalla»**

«Зарбдор», «Ёш ғайрат» ва «Беш-йиллик» маҳаллалари ҳудудида 11 та пахта-ғалла етиштиришга ҳамда 4 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига бириктирилган тарғибот ва мадад гуруҳлари ёрдамида улкан хирмон кўтарилаётир. Мавсум давомида Аҳмад Қудратов, Нурмат Хўжақулов, Қувончбек Омонов, Оллоён Худойназаров номидаги фермер хўжаликлари туманда биринчи бўлиб режани бажарди.

Пахта йиғим-теримига жалб қилинганлар учун барча шароитлар яратилган. Тарғибот гуруҳи вакилларининг ҳаракатлари билан кунига 60-70 нафар ҳашарчи теримга жалб этилмоқда.

— Ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда вилоят бўлими вакиллари фермерларнинг яқин кўмакчисига айланган, — дейди Шўрчи тумани фермерлар Кенгаши раиси Хушбоқ Эшназаров. — Аҳоли бандлигини таъминлашда тарғибот гуруҳларининг хизмати эътирофга лойиқ. Биринчи теримда 100, иккинчисида 70, учинчисида 50 килодан пахта терганлар Фонднинг республика бошқаруви томонидан ёғ, ун, кийим-бош билан тақдирланди. Бундай рағбат теримчилар сафини янада кенгайтирди.

Тўғри-да, уйда бекор ўтиргандан кўра, далага чиқиб фойдали меҳнат билан шуғулланган киши рўзғорига барака киритиш баробарида ҳосил хирмонининг юксалишига ҳисса қўшади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли мавсум бошидан буён ҳар куни 70-80 килограммдан пахта териб, ҳудуддаги фермер хўжаликларининг улкан хирмон кўтаришига кўмаклашмоқда. Уларнинг меҳнати «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан муносиб рағбатлантириляпти.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Маҳсулот ҳажми ортиб, иш ўрни кўпаяди

**Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, уни қайта ишлашни йўлга қўйиб, оиласи бюджетини, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшаётганлар сафи тобора кенгайиб бораётир.**

**Ашурали БОЙМУРОД**
**«Mahalla»**

Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Миробод» маҳалласида мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган цех ташкил қилинган. Қишлоқ аҳолисининг аксарияти деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғуллангани боис улар етиштираётган маҳсулотлар жойида сотилаётир.

Бугун цехда нафақат мирободлик миришкорлар, балки вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида мазали ва сифатли шарбат, мураббо тайёрланмоқда.

— Маҳалламизда «Марвин Брандс» масъулияти чекланган жамиятининг фаолият бошлагани, айниқса, ёшларимиз учун жуда яхши имконият бўлди, — дейди «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойбек Йўлдошев. — Зеро, касб-ҳунар коллежини битирган ўғил-қизларимизни ишга жойлаштиришда жамиятнинг ҳамкорлиги қўл келмоқда. Жорий йилда корхона 30 нафар коллеж битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзолаб, улар бандлигини таъминлашга кўмаклашди.

Айни пайтда бу ерда 120 нафар киши меҳнат қилмоқда. Корхонада ўтган йили 20 минг тонна мева ва сабзавот қайта ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида 18 минг тонна атрофида маҳсулот қадоқланиб, харидорларга етказиб берилди.

Директор Шерзод Қурниязовнинг айтишича, келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилиб, маҳсулотлар тури кўпайтирилади. Бундан ташқари, боғ барпо қилиш ҳам режалаштириляпти.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамот фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан Оммавий ахборот воситалари ва журналистлар ўртасида*

# «Истиқлол — ғururим, маҳаллам — фахрим»

*кўрик-танловини ўтказади*

Танловда Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашдаги илғор тажрибалари ёрқин ва таъсирчан усулларда ёритилган журналистик асарлар қабул қилинади.

Маҳалланинг ноёб ижтимоий институт, миллий қадрият ва анъаналар маскани сифатида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ишончли кўмакчиси, таъсирчан тузилма эканини аниқ мисоллар орқали ёритиш кўрик-танловнинг бош мақсади этиб белгиланган.

***Танловга 2014 йилнинг 1 мартидан 15 ноябригача бўлган даврда газета ва журналларда эълон қилинган, радиода эшиттирилган, телевидениеда кўрсатилган, интернет нашрларида жойлаштирилган материаллар жорий йилнинг 20 ноябрь кунига қадар қабул қилинади.***

**Ғолиблар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

— Журналистика соҳасида бош мукофот. (1 та).

Журналистика соҳасида бош мукофот соҳиби махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (телевидение соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (радио соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (даврий матбуот соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (Интернет-журналистикаси соҳасида).

Асосий мукофот ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио- ва босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:**

- Муаллифнинг исми шарифи;
- Профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- Муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;
- Паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида ўтказилади.

Танлов натижалари «Mahalla» газетаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди веб-сайти (www.mahallafond.uz)да эълон қилинади.

**Материаллар «Истиқлол — ғururим, маҳаллам — фахрим» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:**

***100000, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани***
***Мустақиллик кўчаси 59-уй 4-қават.***
***Телефонлар: (0 371) 233-71-88, 236-37-90***

ЧОРВАЧИЛИК — СЕРДАРОМАД СОҲА

# Сифат ва маҳсулдорлик — муваффақият асоси

**Чорвачилик — аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан. Сирдарё вилоятида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида ушбу сердаромад тармоқ ривожланиб, наслли қорамолларни кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларини кенг жорий қилиш такомиллашмоқда.**

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

Йирик чорвачилик мажмуалари барпо қилиниб, зотдор қорамолларни кўпайтириш, аҳоли дастурхонини арзон ва сифатли гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратилиб, бандлик масаласи ўз ечимини топаётир.

Чунончи, Сирдарё туманидаги Ҳақиқат қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган «Inter milk» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидан. Мазкур замонавий мажмуа минг бош қорамолни парваришлашга мўлжалланган. Бугунги кунда вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва якка тартибдаги чорвадорларни наслли моллар билан таъминламоқда. Қишлоқда яшовчи 70 нафардан зиёд киши бу ерда меҳнат билан банд.

Қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 700 гектардан зиёд ер майдонида озуқабоп экинлар етиштирилиб, 400 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ўртача 18-20 литрдан сут соғиб олинмоқда. Шунингдек, ҳар йили гўшт топшириш режаси ортиғи билан бажарилаётир. Мажмуа таркибида ташкил қилинган, кунига 10 тонна сутни қайта ишлайдиган цехда 7 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

Айтиш жоизки, мажмуанинг соҳадаги бой тажрибаси тумандаги «Меҳри дарё», «Турон-равнақ барака», Сайхунобод туманидаги «Наврўзбой», «Раҳматулла чорвадор» фермер хўжаликларида ҳам жорий этилмоқда. Айниқса, бу борада «Турон» фермер хўжалиги фаолияти эътирофга лойиқ.

Сайхунобод туманидаги Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинидан ака-ука Раҳматуллаевлар дастлаб 20 бош зотли қорамол сотиб олиб, «Турон» йирик чорвачилик хўжалигини ташкил қилишганди. Бугун моллар сони 1000 бошдан ошди.

Хўжаликда замонавий технологияларга асосланган молхона, ветеринария ва бошқа зарурий хоналар қурилган, у ерда ҳароратни қишин-ёзин бир меъёрда сақлаш имконияти мавжуд. Айни пайтда хўжаликда 35 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

— Чорванинг маҳаллий шароитга мослаштирилган зотларини кўпайтириш соҳа истиқболидан далолат, — дейди Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг чорвачилик бўлими бошлиғи Қурбон Қўрғонов. — Шу боис ҳар бир туманда наслдор моллар боқиладиган фермер хўжаликларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу эса аҳолининг сифатли, тўйимли сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, бандликни таъминлаш орқали оилалар даромадини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Ховос туманининг Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Energo nasl chorva» шўъба корхонасида ҳам 486 бошдан зиёд «golshteyn friz» зотли моллар парваришланмоқда. Ўтган қисқа даврда улардан қарийб 1600 бошдан зиёд зотдор бузоқ олинди. Корхона ҳозирда чорвачилик фермер хўжаликларига наслли мол етказиб бериш баробарида ўн турдаги сут ҳамда 3 турдаги гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Янгиер, Ширин, Ховос, Боёвут туманлари ва Гулистон шаҳри аҳолисига етказиб бераётир. Энг муҳими, бу ерда 100 нафардан зиёд фуқаро доимий иш билан банд.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Бахт мезони буюм, бойлик, дабдаба эмас

**Муаттар опа совчиларга розилик берди-ю, ҳаловатини йўқотди. Биринчи марта қиз чиқариш эмасми, ишни нимадан бошлаш, нималар харид қилиб, қандай либослар бичиш-тикишни билмай боши қотди.**



**Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Ният қилиб йиғиб юрган жамғармасининг бир қисмини олиб, шаҳар бозорига равона бўлди. Қиз чиқариш тараддудида юрганини билишгач, бозордаги сотувчилар бири қўйиб, бири олиб унга турфа матоларни кўрсатар, сотиб олишга қисташарди. Сотувчиларнинг абжирроғи уни қўярда-қўймай дўконига чорлаб, «сайрай» кетди:

— Қудалар олдида обрў қозонаман десангиз, тўрт-беш сўмга талашманг. Тўртта кўрпа, тўртта кўрпача билан иш битмайди. Сеп асл матолардан бўлмаса, обрўйингиз тўкилади.

Муаттар опа икки сумкани тўлдириб уйига кириб келганида уни фуқаролар йиғини фаолларидан бири Ойгул опа кутиб ўтирганди.

— Муборак бўлсин, қизингизни унаштирибсиз, — деди Ойгул опа. — Тўйдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиб, никоҳини расмийлаштириш кераклигини эслатай, деб келгандим.

— Қизимни унаштирдик, аммо ҳали сарполарнинг ярми ҳам тайёр эмас. Бозордан келяпман, қудалар олдида уялиб қолмай, деб қиммат бўлсаям асл матолардан олдим. Ҳали ётоқхона мебели, уй-рўзғор буюмлари харид қилиш керак...

Муаттар опанинг куюниб айтган бу сўзларини маҳалла фаоли маъқулламади.

— Буюм йиғишга зўр берманг, аввало, ёшларнинг бахтини берсин, — деди Ойгул опа. — Қизингизни ўқитиб, ҳунарли қилганингиз — катта давлат. Бу ёғига ёшларнинг ўзи ишлаб секин-аста каму кўстларини тўғрилашсин.

Анча чўзилган мулоқотдан сўнг Муаттар опа калаванинг учини топгандек бўлди. Тўй ортиқча ҳашамат, бекорчи ҳою ҳаваслардан холи, файзли ўтди. Зарур маслаҳат, тушунтиришлар туфайли қуда тараф ҳам ортиқча «олди-берди»ю «борди-келди»ларни қисқартирди.

— Бугун баъзи оилаларда бемаъни орзу-ҳавасга берилиб, дабдабали тўйлар ўтказишга чираниш ҳолатлари учраб турибди, — дейди Бухоро вилояти Ромитан тумани Қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси Ойгул Эргашева. — Афсуски, ортиқча чиқимлар оқибатида айрим ёш оилалар муаммога дуч келаётир. Шу боис комиссиямиз аъзолари билан бирга тўй эгалари хонадонларида бўлиб, маросимларни камчиқим ўтказиш, кераксиз дабдаба ўрнига маблағни ёшлар келажаги учун йўналтириш ҳақида тавсиялар беряпмиз. Бахтиёрчи қишлоғидан Сулаймон Ҳотамов, миёнсаройлик Искандар Ботиров, Икром Ортиқовлар хонадонларида тўйлар ихчам ўтгани туфайли турмуш қурган ёшларнинг тинч ва бахтли ҳаёти ҳамманинг ҳавасини келтиряпти.

Ҳудуд аёлларини бир мақсад йўлида жипслаштирган комиссия аъзолари хотин-қизларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда самарали фаолият кўрсатиб келишаётир. Хусусан, биргина жорий йилнинг тўққиз ойида ҳудуддаги 23 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланишига кўмаклашилди. Уларнинг 17 нафари касб-ҳунар коллежини битирган қизлар. Комиссия ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктида фертил ёшидаги аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

# «Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин...»

< [1]

Бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат туйғулари барқарор давлатимизнинг Бош Қомуси 4-моддасига биноан, Ўзбекистонда Давлат тили ўзбек тилидир. Қорақалпоғистонда бундай мақом қорақалпоқ тилига берилган. 130 дан зиёд миллат ва элатлар ҳамжиҳат яшаётган юртимизда демократик ва байналмилал тамойилларга риоя этилади. Ҳар бир миллату элатнинг эркин ривожланиши, уларнинг тил мустақиллиги ҳамда тенг ҳуқуқлилиги таъминланган. Таълим-тарбия ишлари ўзбек тилидан ташқари, тожик, рус, қозоқ, корейс, туркман, қирғиз тилларида ҳам олиб борилади. Миллий марказларнинг фаолияти учун барча имкониятлар яратилган.

Алишер Навоий «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз» деганида, халқ тилига эътиборсизлик унинг ўзига беписандлик белгиси эканини назарда тутган. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг, хусусан, эски ўзбек тилининг бойлиги, нафосати ҳақида қимматли мулоҳазаларни билдирган. Улуғ шоир форсий ва туркий тилни ўзаро муқояса қиларкан, ҳар иккала тилни асло камситмаган ҳолда уларнинг ўз ўрни ва бойлигини, жозибасини аниқ мисолларда ифодалайди. Айниқса, туркий тилимизнинг ифода усуллари беназир экани, турли маъно нозикликларини тасвирлай олиш имкониятлари кенглигини исботлаб беради. Халқ ҳаётида она тилнинг қиммати жоннинг вужуддаги ўрнига монанд эканини таъкидлайди:

***Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,***
***Сўзки, берур хабар жонға жонондин,***
***Инсонни жудо айлади ҳайвондин,***
***Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.***

Шундай экан, «гавҳари шариф» — она тилимизни бузишга, унга беписанд муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, тил бирликларига, сўз ва нутқ ҳодисаларига муносабатни ҳар доим ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Тил софлиги учун курашишга фақат шу соҳа мутахассисларининг эмас, балки она тилида фикрлаб, шу тилда сўзлашадиган ҳар бир шахснинг вазифасидир.



*Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.*

Шу ўринда кўплаб фуқаролар йиғинлари ҳужжатларида, иш юритишда, маҳалла идораси пештахталарида жой номларини ёзишда қўпол имловий хатоларга йўл қўйилганининг гувоҳи бўламиз. Маҳалла сўзини «махалла», «махала», «maxalla», «фуқаролар йиғини» бирикмасини «фуқоралар йиғини», идораларни безаб турган деворий кўргазмаларда «ислоҳот» сўзини «ислоҳат» тарзида ёзиш ҳоллари жуда кўп учрайди. Энг ёмони, бундай хатоликлар, асосан, «Х» билан «Ҳ» ҳарфларини фарқлай олмаслик, лотин-ўзбек алифбоси билан крилл-ўзбек алифбосини аралаш ишлатиш каби ҳолатларда кўзга ташланади. Унутмаслик керакки, тилнинг софлиги нафақат тиниқ ва равон талаффузга, балки имло қоидаларига риоя этишга ҳам чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, бундай ҳолатлар йиғин мутасаддиларининг маънавий қиёфасини ҳам акс эттириши, уларнинг саводхонлик даражасини кўрсатиб турувчи мезон эканини ёдда тутиш жоиз.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, аввало, миллий ғоямизнинг ҳимоячилари, маънавият тарғиботчиларидир. Айни пайтда бу лавозимда фаолият юритаётганларнинг аксарияти олий маълумотли аёллар. Она тилига муҳаббат, аввало, ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур англаган ҳолда ишлатиш, уни яхши билиш, асраб-авайлаш каби хатти-ҳаракатларда намоён бўлишини барча яхши билади. Шундай экан, маслаҳатчилар тил қонуниятларини чуқур идрок этишлари, фуқароларнинг она тилимизга меҳри, ҳурматини доимо ошириб боришлари, тилимиздаги сўзларнинг нотўғри қўлланишига йўл қўймасликлари керак.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида келтирилган қуйидаги мулоҳазаларини келтирмоқчимиз: «Жамики, эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Мен бу масалани алоҳида таъкидлаб айтаётганим бежиз эмас. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».




## Дарсликларга товон талаби

**«Исломий давлат» жангарилар гуруҳи ироқлик мактаб ўқувчилари учун Иорданиядан келтирилаётган ўқув дарсликларини қўлга киритган.**

Жангарилар учта юк машинасидаги адабиётларни ўзлари назорат қилаётган ҳудудлардан ўтказиши учун 108 минг АҚШ доллари талаб қилишмоқда. «РИА Новости« ахборот агентлигининг Ироқ таълим вазирлиги ходими маълумотларига таяниб хабар беришича, эндиликда мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш масаласи очиқ қолади.



Мазкур ҳодиса туфайли, айниқса, бошланғич таълим ўқувчилари кўпроқ жабр кўради. Шусиз ҳам мамлакатдаги ҳарбий ҳаракатлар сабабли кўплаб музофотларда ўқув йилининг бошланиши 22 октябрга кўчирилганди. Сентябрь ойида ЮНЕСКО ташкилоти минглаб ироқлик болалар жорий ўқув йилида таълим олиш имкониятидан бебаҳра қолишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирганди.

## Чегарада зилзила

**Эрон ва Ироқ чегарасида икки кун мобайнида кучланиши 4 баллдан 6 баллгача бўлган бир нечта ер силкиниши қайд этилди.**



Европа — Ўрта ер денгизи сейсмология маркази сайтида баён этилишича, зилзила ўчоғи Шуш шаҳридан 56 км. шимолий-ғарбда, 10 км. чуқурликда кузатилган. Эрон оммавий ахборот воситалари йигирма нафарга яқин киши турли даражада тан жароҳати олганини билдирган.

Мазкур ҳудудда жорий йил август ойида ҳам 6,2 магнитудага тенг кучланиш билан ер силкиниши рўй берган, 40 нафар киши тан жароҳати олиб, иқтисодиётга катта миқдорда моддий зарар етганди.

## Қурилмалар сони ортмоқда

**«Strategy Analytics» таҳлил компанияси тадқиқотларида баён қилинишича, жорий йил охиригача дунёда 12 млрд. интернет тармоғига уланувчи қурилмадан фойдаланилади.**

Бу сайёрамиздаги ҳар бир киши бошига 1,7 тадан тўғри келишини ифодалайди. 2020 йилга бориб эса уларнинг сони 33 млрд.гача ўсади ва киши бошига 4,3 тани ташкил қилади.



Тадқиқотда интернетга уланувчи барча қурилмалар — смартфонлар, шахсий компьютерлар, планшетлар, «ақлли» уйлар, «smart-TV»лар, ўйин қўшилмалари, медиа аппаратлар ҳамда тақилувчи электроникалар («ақлли» соатлар, фитнес-трекерлари) қўшиб ҳисобланган.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

ДАСТУР ИЖРОСИ

# «Регистон юлдузи» болаларга армуғон

**«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Самарқанд шаҳридаги «Қуйи Хўжасоат» маҳалласида «Регистон юлдузи» номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.**

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган педагог Гавҳар Мирзаева қисқа фурсатда 80 ўринга мўлжалланган таълим-тарбия муассасасини таъмирлаб, фойдаланишга топширди. Натижада 10 нафар киши ишли бўлди.

— Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Болажон» дастури мактабгача таълим муассасамиз фаолиятида асқотмоқда, — дейди муассаса мудираси Г.Мирзаева. — Мазкур дастурнинг асосий тўрт босқичи, яъни «Жисмоний тарбия, ўз-ўзига хизмат ва гигиена», «Ижтимоий — ҳиссий ривожланиш», «Нутқ ўстириш ва саводга ўргатиш», «Билиш жараёни: атроф-оламни ўрганиш ва уни англаш» йўналишлари тарбия жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда малакали, ўз ишини пухта биладиган кадрлар томонидан олиб борилмоқда.

Тарбия масканида ўзбек ва рус тилларида гуруҳлар ташкил этилган. Асосий эътибор болажонларнинг инглиз тилини ўрганишига кўмаклашиш, уларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Боғчада кам таъминлаган оилалар фарзандлари учун имтиёзли тўловлар жорий этилган, чунончи, маҳалла фуқаролар йиғини тавсиясига кўра, шундай оилаларнинг 5 нафар фарзанди бепул таълим олмоқда.

Дарвоқе, маҳалла боғида етиштирилаётган сархил мевалар ҳам болажонлар дастурхонида. Гап шундаки, фуқаролар йиғини тавсияси билан боғ маъмурияти муассасани оталиққа олган.

ҚУЛАЙЛИК

# Спорт мажмуаси иш бошлади

**Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги «Янгиобод» маҳалласида спорт мажмуаси қад ростлади.**

**Нилуфар ЮНУСОВА**
**«Mahalla»**

Ушбу иншоот янгиободлик ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди. Мажмуада ёшларнинг футбол, каратэ, бадиий гимнастика каби спортнинг ўндан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу ерда бир вақтнинг ўзида юз нафардан зиёд йигит-қиз шуғулланиши мумкин.



Мажмуанинг қурилиши учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 480 миллион сўм маблағ сарфланди. Маҳалла кўркига кўрк қўшган бу масканни «Хоразм Диёр Макс сервис» МЧЖнинг моҳир қурувчилари барпо этишди.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

# Билим — ўтмишни ҳам, эртани ҳам ёритувчи нур

**«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида юртимиздаги фуқаролар йиғинларида муайян тажрибалар тўпланган. Бундай ҳамкорлик доирасида ҳар бир ўқувчининг кун тартиби, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Шерзод ҚУРБОНОВ**

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактаби ҳамда «Гуручариқ» маҳалласи фаолларининг биргаликдаги фаолиятида мазкур йўналишдаги ишлар пухта режа асосида олиб борилмоқда. Мактаб ўқувчилари орасида умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадалар, спорт мусобақаларида республика босқичида ҳатто жаҳон биринчиликларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётган ўқувчи-ёшлар кўп. Бундай ютуқлар ҳам, шубҳасиз, уч муҳим бўғиннинг ҳамжиҳатлиги мевасидир.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида ва миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш, маънавий қадриятларни улар онгига сингдириш мақсадида «Шу азиз Ватан барчамизники!» шиори остида тегишли соҳа вакиллари иштирокида учрашувлар, викториналар, очиқ мулоқот ва бошқа тадбирлар ташкил этилаётгани ёшларни изланишга ундамоқда.

Барча ўз боласининг бахтли яшашини истайди. Ота-онанинг фарзанди қалбида китобга меҳр уйғотиши тарбияда асосий мезон. Болани кичиклигиданоқ эртакларга қизиқтириш унда инсоний фазилатларнинг куртак отишига туртки бериши кўп кузатилган.

Меъёрий ҳужжатларда вояга етмаган ёшларнинг кечки соат 22:00 дан сўнг интернет-кафе, бар, ресторан клуб, дискотека, компьютер заллари ва шу каби кўнгилочар жойларга ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахс кузатувисиз боришига йўл қўйилса, муассаса эгаларига қонун доирасида энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солиниши мустаҳкамланган.

«Гуручариқ» фаоллари бу масалага жиддий ёндашишади.

— Мактабимизда Вояга етмаганлар ишлари бўйича жамоатчилик кенгаши йиғилиши ҳар ойнинг 25-санасида ўтказилади, — дейди 28-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Моҳинисо Каримова. — Бунда «Гуручариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалла профилактика нозири, мактаб хотин-қизлари кенгаши, «Камолот» етакчиси, руҳшунос ва бошқалардан иборат ишчи гуруҳ қатнашади. Муҳокамада синф раҳбарлари ва фан ўқитувчилари дарсларнинг ҳуқуқий-тарбиявий жиҳатларини ошириш мақсадида сурункали дарс қолдираётган, хулқ-атворида тартибсизлик кузатилган ноқобил-нотинч оила фарзандлари ҳамда кийиниш маданиятида мактаб Низомида кўрсатилган талабларга риоя қилмайдиган ўқувчиларга синф фаоллари ва бир нафар маҳалла вакили бириктирилади. Улар кенгашга ҳар ойда мониторинг натижаларини тақдим этади.



Меҳнатга лаёқатни шакллантириш борасида барча ўқувчилар ўз қизиқишларига кўра касб-ҳунарга йўналтирилиб, турли ҳунармандчилик тўгаракларига бириктирилаётир. Бунда маҳаллада азалдан шаклланган «устоз-шогирд» анъаналаридан унумли фойдаланилаётгани ёшлар онгида ҳалол, сидқидилдан ва ижодкорона ишлаш кўникмаларини шакллантирмоқда.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: З.Ҳайитова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
*Босмахона манзили:*
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1172 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00